

**Санъатшунослик фанлари доктори, академик Р.Х.Токтошнинг ёркин
хотирасига бағишланади.**

Санъатшунослар – шундай инсонларки, улар
ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак маданияти
ўртасида кўприк қўйишга қодирлар.

Академик Р.Х.Токтош

Президентимиз И.А.Каримов фармони билан 1997 йил 27 январидида ташкил этилган Ўзбекистон Бадий Академияси халқимиз бадий савиясини ўстириш йўлида қўйилган илк қадамлардан бири бўлди. Зеро, Ўзбекистон Бадий Академияси Низомида белгиланган асосий вазифалардан бири – Ўзбекистонда ижод этаётган ёш рассом, амалий санъат усталари ва санъатшунослар ижодини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, улар санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқишдир. Шунингдек, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихига салмоқли ҳисса қўшган, ҳозирда шаклланган санъатимиз ва бадий танқидчилигимиз мактабига пойдевор яратиб берган фахрий рассомлар, санъатшуносларни эъзозлаш, қадрлаш, рағбатлантириш ва улар ҳақида монографиялар чоп этиш ҳам долзарб вазифалардандир. Шу ўринда фахрий санъатшунос-олимлардан бири, Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий академиги, санъатшунослик фанлари доктори, рассом, педагог – Рафаил Хадиевич Токтошнинг ижоди ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Унинг серташвиш умри, ибратли ва жўшқин ижоди мобайнида эришган ютуқлари – Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати тарихига серунум ҳиссаси билан боғлиқдир.

Рафаил Хадиевич Токтош 1926 йил машҳур классик татар шоири Хади Хайрулло оиласида дунёга келган. Рафаил жуда ёшлигидан санъатга, ва айниқса тасвирий санъатга алоҳида меҳр қўйди. Дастлабки бадий таълимини Қримдаги ўрта мактаб, Ялта бадий фонди қошидаги бадий

студия, Фарғонадаги ўрта мактаб, Ёшлар уйидаги чизиш тўғараги, Самарқанддаги Россия Бадий Академияси қошидаги бадий ўрта мактаб, Москва бадий ўрта мактабларида олди. 1945 йили В.Суриков номидаги Москва Давлат бадий институтининг рангтасвир бўлимига ўқишга кирди. Лекин тақдир тақозоси билан И.Е.Репин номидаги Ленинград рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтининг “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” бўлимини “аъло” баҳоларга битирди. 1960 йил номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1961 йилдан Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим сифатида фаолият юритди. 1973 йилда “XIX аср 2 нчи ярми – XX аср 60 йилларида Ўзбекистон санъати” мавзuida докторлик диссертациясини ёқлади.

Олим қарийб 60 йиллик ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё тасвирий, амалий санъати тарихининг шаклланиш йўллари ва долзарб муаммоларини илмий-тадқиқ этдилар. Жумладан, “Бадий-танқидий этюдлар” китоби, бундан ташқари бир қатор монографияларнинг ҳам муаллифидир. Мордовия санъати арбоби В.Д.Илюхин, рассомлар З.Ковалевская, Б.Хамдамий, М.Курзин, А.Волков, Н.В.Кашина, С.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, Ў.Тансиқбоев, плакатчи-рассом Ф.Кагаров, графикачи-рассом М.Кагаров, ҳайкалтарошлар Ж.Қуттимурадов, О.Охунов, шунингдек амалий санъат усталаридан М.Рахимов, Қ.Хайдаров, О.Азизовлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографиялар ўзининг қизиқарлилиги, халқ тилига яқин тилда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

1960 йилдан бери мунтазам равишда республикамизда нашр этилган ва этилиб келаётган газета ва журналларда мақолалари билан қатнашиб турдилар. Жами 400 га яқин мақолалари “Ўзбекистон маданияти”, “Правда Востока”, “Вечерный Ташкент”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбекистон овози” каби газеталар, “Гулистон”, “Творчество”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Санъат”, “Фан ва турмуш” журналларида нашр этилган. Шунингдек, унинг мақолалари Англияда, Германияда, Ҳиндистонда, Мордовияда 10 дан ошiq тилларга: азарбайджон, немис, инглиз, грузин,

хинд, урду, қорақалпоқ, татар, мўғул, эстон тилларига таржима қилиниб нашр этилган.

Унинг ижодидаги асосий принципларидан бири – унинг ижодкор билан юзма-юз суҳбатлашиб, хулосалар чиқаришидир. Олим доим Республикамизнинг барча вилоятларида ижод этаётган рассомлар, усталар билан учрашиб, улар ҳақида тўлақонли маълумотлар, фотосуратларни жамлайди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро вилояти, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бадиий ҳаёти унинг томонидан яхши татқиқ этилган. Р.Х.Тоқтош нафақат назариячи – санъатшунос сифатида ижод этмоқда, балки амалиётчи сифатида - рассом, ҳам ташвиқотчи сифатида – педагогик фаолиятини олиб борган. Р.Х.Тоқтош рассом сифатида кўпроқ акварелда ижод этган. Мунтазам равишда ўлкамизнинг сўлим гўшалари, айниқса унинг сеvimли Фарғона водийсига бўлган сафарлари чоғида мингдан ортиқ этюдлар ишлаб қайтдган. Шунингдек, қаламтасвирда ишланган портрет қораламалари унинг ўткир кузатувчанлиги ва психологик чизиқларни топа билиш қобилиятини кўрсатади. Унинг асарлари Ўзбекистон давлат Санъат музейи, Ўзбекистон Миллий галереяси, Қорақалпоғистон Давлат Санъат музейи ва бошқа музейларда ўзининг муносиб ўрнига эга.

Олим қарийб 1960 йилдан бери педагогик фаолиятини ҳам олиб борган. Талабаларнинг айтишича, унинг маърузалари ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан жуда қизиқарлидир. Чунки ўз тажрибаларидан фойдаланиб, ҳар бир маълумотини асослаб етказиб беради. Шунингдек, устоз Ўзбекистон ва қардош республикаларда ҳимоя қилинган бир қанча илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб, илмий тақризлари билан қатнашган.

Рафаил Хадиевич Тоқтош давлатимиз томонидан бир қанча мукофот ва орденлар, жумладан, “Ўзбекистон санъат арбоби”, “Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фахрий академиги”, “Халқлар дўстлиги” ордени билан турли йилларда тақдирланган.

Рафаил Хадиевич Такташнинг номи Ўзбекистондаги йирик санъатшунослар Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, А.Умаров, Д.А.Фахритдинова, В.Л.Лаковская, Т.Махмудов, Л.В.Шостко каби олимлар билан бир қаторда тилга олинади. Санаътушнослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий академиги Рафаил Хадиевич Такташ умрининг охиригача ижод қилишда, К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизаён институти санъатшунос талабаларига таълим беришда давом этган.

Санъатшунос
Ахмадалиева Назокат